АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

АҲИЛ, ҲАМЖИҲАТ, БИРДАМ БЎЛАЙЛИК!

● ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ҲАР БИРИМИЗНИНГ ШАХСАН ҲИССАМИЗ БЎЛСИН!

● ОДАМЛАР ЎРТАСИДА ТОТУВЛИК ВА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

● АҚЛ-ИДРОК БИЛАН БАМАСЛАҲАТ ИШ ТУТСАК, МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ЕЧСАК, УЙИМИЗДАН БАРАКА КЎТАРИЛМАЙДИ, ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ҲАМ ТОБ БЕРОЛМАЙДИ.

● БУГУН ҚЎЙИЛАЁТГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ЭРТАГА ДАСТУРХОНИМИЗГА ТЎКИНЛИК, ТУРМУШИМИЗГА ФАРОВОНЛИК ОЛИБ КЕЛИШИНИ АСЛО УНУТМАЙЛИК!

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

● № 15 (21.134) 1992 йил 21 январь, сешанба ●

Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг ХАЛҚҚА МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида шу йил 16 январда бўлган воқеалар республикамизнинг барча софдил кишилари қалбини ларзага солди. Деярли барча ижтимоий табақалар вакилларининг республика Президентига, Олий Кенгашига ва ҳукуматига кўпдан-кўп мурожаатлари ана шундан далолат бериб турибди.

Ушбу масала юзасидан тузилган республика комиссияси иш бошлади. Унинг хулоса ва таклифлари аҳолига хабар қилинади.

Бугун эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида ташкил этилган оммавий тартибсизликлар муносабати билан меҳнаткашларга, ўқувчи ёшларга, республиканинг барча аҳолисига қуйидаги баёнот билан мурожаат қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Республикада яшаётган ҳар бир киши шуни билиши керакки, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ўнлаб давлатлар тан олган, уларнинг кўпчилиги билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида келишиб олинган, Ўзбекистон Республикасининг БМТ аъзолигига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилаётган бир пайтда ўзларини Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобловчи баъзи кимсалар ўз республикаларини жаҳон жамоатчилиги олдида обрўсизлантиришга, мустақил давлатимизни қарор топтириш йўлидаги ижобий ишларни барбод қилишга интилишмоқда.

Улар айрим вазирликлар, идоралар, банк муассасалари, олий ўқув юртлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида стипендиялар ва купонлар ўз вақтида берилмаганлигидан, нон кечикиб келтирилганлигидан ва шунга ўхшаш бошқа сабаблардан фойдаланиб, талабаларнинг бир қисмини ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга жалб этишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳаракатлар оммавий тартибсизликларга айланиб кетди, ур-йиқитлар бўлди, талабаларнинг ўзларига хизмат қилиб турган объектлар ёқиб юборилди.

Афсуски, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика раҳбарлари эркин нархноларни жорий этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўраётган чора-тадбирлардан талабалар етарли даражада хабардор қилинмаган. Ана шу ҳол иғвогарларнинг эҳтиросларни жунбушга келтиришига, ёлғончиқ йўллар билан ёшларни қўзғатишига, тўқнашувлар келтириб чиқаришига, шундан сўнг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, нуқул сиёсий талабларни илгари суришларига имкон берди.

Шу муносабат билан ҳар бир киши виждони олдида мана шу саволларга жавоб берсин.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширмай туриб, уни эски маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан ривожлантириш мумкинми?

Бутун тараққиёт олами ўзаро муносабатларни бозор иқтисодиёти қоидалари асосида ташкил этаётган ва собиқ Иттифоқнинг барча республикалари, шу жумладан энг яқин қўшниларимиз ҳам эркин нарх-наволарга ўтган бир пайтда бизда эски нархларни сақлаб қолиш мумкин эдими?

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг охирги сессиясида бу саволларга: йўқ, мумкин эмас, деган қатъий жавоб берилди. Бироқ шу билан бирга, сессияда таъкидланганидек, бизнинг республикамиз ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар орасида энг охирги бўлиб ана шу қадамни ташлади, чунки аввало аҳолини, айниқса пенсионерлар, талабалар, ўқувчилар, кам таъминланганларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш керак эди.

Раёсат умид билдиradики, сиз бу йўлда амалга оширилаётган жами чора-тадбирлардан, шу жумладан стипендиялар икки баравардан зиёдроқ оширилганлигидан ва талабалар ошхоналарида нарх-наволар эскича сақланиб қолганлигидан хабардорсиз. Бешта чегарадош республикадаги энг зарур моллар чакана нархларининг қиёсий жадвали депутатларга кўрсатилганлигини ва рўзноналарда босилиб чиққанини эслатиб ўтиш кифоя. Ҳар қандай беғараз ва ҳолис фикр юритувчи инсон бу масалада ҳам бизнинг республикамизда ҳозирги оғир ўтиш даврида одамлар ҳаётини енгиллаштириши мумкин бўлган ҳамма ишлар қилинганлигини эътироф этмоғи керак.

Шундай экан, гап нимада? Нима сабабдан бир гуруҳ шахслар сафсатабозларча чақириқлар, қуруқ ваъдалар билан. объектив қийинчиликлардан фойдаланиб, вазиятни издан чиқаришга; одамлар қалбига хавотирлик солишга, чет эллардаги дўстларимизда шубҳа туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар?

Бунинг жавоби шундоққина кўриниб турибди. Уларга бизда амалга оширилаётган миллий тотувлик сиёсати, республика раҳбарлари ҳақиқий мустақиллик йўлида жамиятни жипслаштиришга қатъият билан ҳаракат қилаётганлиги ёқмаётир. Улар ўзларининг жирканч ишларини яна ҳам каттароқ кўламда амалга ошириш учун одамлар орасига нифоқ солишни, нотинчлик келтириб чиқаришни, ҳокимият тизимларидан жой олишни жуда-жуда исташади. Улар қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳар турли суиистеъмолларга, айниқса иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги суиистеъмолларга барҳам бериш, меҳнаткашлар қонини сўриб ётган мафия гуруҳларининг жиноятқорона фаолиятига чек қўйиш соҳасида бошланган ишдан қўрқадилар.

Бундай «арбоблар» (агар шундай айтиш жоиз бўлса,) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон мустақиллигининг ашаддий душманлари билан бирлашишлари, ҳар қандай сарф-харажатдан қайтмасликлари, одамлар тақдирини ва ҳатто ҳаётини гаровга қўйишлари ҳар бир кишига аёндир.

Шаҳарчада талабалар ва милиция ходимлари ярадор бўлгани учун, бир йигитнинг жони бевақт узилгани учун, ўнлаб кишиларнинг мажруҳ тақдири учун худди ана шу қўрқоқ ва масъулиятсиз, ўзлари панада қолиб ифлос ниятларини алданган кишилар ёрдамида амалга ошираётган сафсатабозлар гуноҳкордир.

Раёсат ўз гуруҳларининг даъволарини ҳамма нарсадан устун қўяётган ва ғаразли манфаатлари учун курашда ҳеч нарсадан қайтмайдиган сиёсий иғвогарларнинг қилмишларини қатъиян қоралайди.

Раёсат оммавий тартибсизликлар чоғида ҳалок бўлган йигитнинг оиласи ва қариндошуруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади, Ҳукумат ҳам, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам оғир дамларда бу оилани қўллаб-қувватлайдилар деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати миллатидан, ижтимоий мавқеидан, динидан ва қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларни ҳозирги мушкул дамларда ғоят масъулиятли, бардошли ва сабр-тоқатли бўлишга, жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолини мустаҳкамлаш учун шахсан ҳисса қўшишга чақиради.

Раёсат ушбу даъватни ёшларга, энг аввало талабаларга қаратади, чунки республиканинг келажагини уларнинг билими ва касб тайёргарлиги ҳал қилади.

Шу сабабли ҳозир талабаларнинг асосий вазифаси ўқишдан, ўзлари танлаб олган ихтисоснинг сир-асрорларини билиб олишдан, ҳозирги замон фани, техникаси ва технологияси ютуқларини чуқур ўрганишга тинимсиз интилишдан иборатдир.

Албатта, юқори малакали, ўз касбининг эгалари билан ишлашдан манфаатдор бўлган меҳнат жамоалари, болалари ўзларининг чуқур билимлари ва шу туфайли ғоят самарали меҳнатлари эвазига яхши яшашига интилаётган ота-оналар, доно маслаҳатларига қулоқ солиш ёшларимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган ҳурматли оқсоқолларимиз бу олижаноб ишдан четда қолишлари мумкин эмас.

Ҳозир энг муҳими одамлар ўртасидаги тотувлик ва ишончи, жамиятдаги барқарорликнинг кўз қорачиғидек асрашдан, ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлсаккина қийинчиликларни енга олишимиз, республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги марраларига олиб чиқишимиз, унинг барча фуқароларига муносиб турмушни таъминлаб беришимиз мумкинлигини эсда тутишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати.

МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ЕЧАЙЛИК

Ўтган якшанба куни Тошкентда республика жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга барча даражадаги депутатлар, вазирликлар ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ёшлар иттифоқи ташкилотлари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар кенгашлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, маҳалла ва квартал комитетларининг фаоллари таклиф қилиндилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков кириш нутқи билан очди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. Мустафоев, республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. О. Алимов, Тошкент Адлия олийгоҳи деканининг ётоқхоналарида иш олиб бориш бўйича ўринбосари М. Маҳбубов, Тошкент политехника дорилфунуни ректори Н. Р. Юсупбеков, Куйбишев район маҳаллалари ишини мувофиқлаштириш комитетининг раиси С. Оқмирзаев, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Р. М. Ғуломов сўзга чиқиб, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида рўй берган оммавий тартибсизликлар, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, келгусида бундай можароларга йўл қўймаслик юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари республика фуқароларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

«Ўзбекистон фуқароларига мурожаат»да қуйидаги сатрлар бор: Кўпгина моллларинг нархлари Ўзбекистонда қўшни давлатлардагига нисбатан арзон. Лекин ҳақиқатни очиқ айтиш керак: бизни енгил ҳаёт кутаётгани йўқ. Бугун ҳар биримиз матонатли, сабр-тоқатли ва вазмин бўлишимиз зарур.

...Халқимиз ҳамиша ватанпарварлиги ва жислиги билан кучли эди. Худди шунинг учун бугунги кунда шаҳримизда, мустақил республикамизда фуқаролар тотувлиги ва мустаҳкам тинчликни сақлаб қолиш, иғвогарлар ва сафсатабозларга зарба бериш керак».

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 20 январь куни Тошкентда журналистлар билан учрашди. Учрашувга республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек Ўзбекистонда жойлашган мухбирлар таклиф этилди.

И. А. Каримов Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеаларга баҳо берди, ана шу тартибсизликлар ортида республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга интилаётган кучлар турганини таъкидлади.

И. А. Каримов журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

(Журналистлар билан учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади).

БИЛИМ ОЛИШ ПАЙИДА БЎЛИНГ

Талабалар шаҳарчасида юз берган нотинчлик ҳақида эшитдим. Ёшлигимда рўй берган бир воқеа ёдимга тушди. 30-йиллар ўрталари, Қўқон шаҳрида ўқитувчилар тайёрлаш курси, эскичасига айтганда рабфакда ўқирдим. Усмон Носир, Амин Умарийлар бизга адабиётдан таълим беришарди. Мен талабалар гуруҳининг оқсоқоли эдим. Оғир йиллар, қаҳатчилик... Усмон Носир ўқитувчи эса-да, ёшларимиз орасида унча фарқи йўқлиги учун мени ўзига яқин тутарди. Бир куни ошхонада тасодифан бирга ўтириб қолдик. Усмон ака озгина кабоб буюрди. Аммо мен ўтирган ўрнимда типирчилаб қолдим. Чунки ёнимда майда чақадан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Кабоб эса фалон пул. Қишлоқдан ҳафта бошида халтадан олиб келган қаттиқ нонимизни доғ сувга бўктириб еб юрган болалармиз, ахир.

— Тортинма, — деди Усмон ака, — талабанинг бир тўйгани бой бўлгани. Усмон Носир кеча қишлоқдан келган талабанинг аҳволини яхши тушунарди. Ўша йиллари илм даргоҳларида ўқиганларга осон бўлмаган. Лекин, халқ нима бўлса, биз ҳам шу деган фикр хаёлимизга ўрнашиб қолган эди. Зеро, халқ ўзи қийинчилик гирдобида турган пайтда ўзимизга аллақандай имтиёзлар талаб қилишимиз ноўрин туюларди. Гоҳо оч қолиб, гоҳо ялангоёқ юриб бўлсада, ўқишни битириб қадрдон қишлоғимизга қайтиб келдим. Уй-жойли, оилали бўлдим. 42 йил қишлоқ мактабида дарс бериб нафақага чиқдим. Минглаб шогирдларим бор. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишламоқдалар.

Инсон озгина шамолга қайрилиб, синиб кетадиган мўрт дарахтга ўхшамаслиги керак. Невараларимга ҳамиша ҳазрат Навоийнинг йигитликда йиг илмнинг маҳзанин, қариликда сарф қилғил ани, деган доно ўгитларини ҳамиша таъкидлайман. Ҳа, бу доно ҳақиқат тубида маъно катта. Ҳозир айни ёшлик пайтингизда ҳаёлни турли томонларга сочмай, фақат билим олиш — касб ҳунарни эгаллаш пайида бўлинглар болаларим. Билингки, мустақил Ўзбекистон — бизнинг она Ватанимиз фарзандларидан шуни кутади.

Маматқул УМРЗОҚОВ, меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Фарғона вилояти Фрунзе райони, Қумтуяли қишлоғи.

ОҚИМГА ҚАРШИ БОРМАЙЛИК

Биз, самарқандлик ёшлар Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеани эшитиб, ниҳоятда ташвишга тушдик.

Очиғи, норозилик ва кўнгилсизлик ўз-ўзидан келиб чиққан эмас. Буни кимдир ташкил этган ва бошқарган. Биз ана шу жанжалга тегишли бўлган шахслар ва гуруҳлар албатта жазоланишини истаймиз. Токи бошқа ҳудудларда бундай бошбошдоқчиликка йўл қўйилмасин. Лекин Тошкентдаги воқеадан фақат ёшларни айблаш инсофдан эмас.

Биз жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан Самарқандга ташриф буюрганмиз. Бизу сиз учун ўқишга шароит яратиб берган халқ тақдирига масъулият билан қарайлик. Мустақиллик сари дадил юраётган денгиз оқимига қарши бормайлик!

Фазлиддин ҒАФФОРОВ, Ильич ОЧИЛОВ, Мирзо ЗУҲУРОВ, Марат ҒАФФОРОВ — Самарқанд савдо олийгоҳидан; Рустам РЎЗИҚУЛОВ — муаллимлар тайёрлаш олийгоҳидан; Камол ШАВҚИЕВ — қишлоқ хўжалик олийгоҳидан; Ғулом ОЧИЛОВ — меъморчилик олийгоҳидан; Гулчеҳра БЕРДИҚУЛОВА — Самарқанд дорилфунунидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати 1992 йил 16 январь куни Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар чоғида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун шу йилнинг 17 январида тузилган республика комиссияси таркибига қўшимча равишда қуйидаги ўртоқларни киритди:

Аъзамхўжаев А. А. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ёшларга доир сиёсат комитетининг раиси.

Орзиматов А. А. — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитетининг биринчи котиби.

Каримов А. — Тошкент Давлат дорилфунуни ёшлар Иттифоқи комитетининг биринчи котиби.

ВОҚЕАЛАР ТАФСИЛОТИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

Маълумки, 16 январда Талабалар шаҳарчасида оммавий тартибсизликлар рўй берган эди. Бу тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ материалларни ўрганиб чиқиш юзасидан тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши республика комиссиясининг кеча навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси А. Муталов олиб борди. Комиссия аъзолари рўй берган воқеаларнинг сабабларини чуқур таҳлил этишга киришдилар. Фожиали тартибсизликларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ҳалол баҳо бериш, тавсиялар тайёрлаш бўйича комиссия аъзоларидан иборат тўртта гуруҳ тузилди.

Комиссия йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси раисининг ҳамда комиссия раисининг ўринбосарлари Э. Самандаров, Б. С. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари А. И. Фозилбеков қатнашди.

ЧИН ДИЛДАН

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига халқ томонидан сайланганингизни эшитиб ғоят мамнун бўлдим ва ўзимнинг қизғин қутловларимни йўллайман. Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон тез равнақ топишига ишонаман.

Бизнинг гуруҳимиз сиз билан мустаҳкам алоқа ўрнатажаги мени ғоят завқлантиради. Сизни яна бир бор табриклашга рухсат бергайсиз, энг яхши тилакларимни қабул этгайсиз.

Олигер СТАХЕЛ, «Стахел Гардмейер АГ» компаниясининг раиси, Цюрих, Швейцария.

• *Жамият, инсон ва қонун*

ҲУҚУҚШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ҳуқуқий муаммолар жамиятнинг диққат марказида турибди. Бу эса ҳуқуқшуносларга нисбатан талабларни оширмоқда, уларни мутахассис сифатидаги билимларини чуқурлаштиришни ва масъулият ҳиссини кучайтириш заруриятини шарт қилиб қўймоқда.

Республикамизда ҳуқуқ фани ва таълими ривожида эришилган муайян муваффақиятларга қарамасдан, бу соҳада жиддий нуқсонлар ҳам бор. Бу ҳуқуқий тадқиқотлар мавзусига ҳам, илмий ишларни мувофиқлаштиришга, ҳуқуқ фанининг амалиёт билан алоқаларини ташкил этишга, илмий кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам таллуқлидир. Республикамизда ҳуқуқшунослик бўйича илмий муассасалар тармоғи ҳали ҳам заиф ривожланган. Бу айниқса Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳига тегишли. Унинг ташкилий тузилиши республикамизнинг ҳуқуқ сиёсати ва қонунчиликни ривожлантиришнинг замонавий эҳтиёжларига жавоб бермайди. Ҳуқуқ фанининг ўз доирасида ҳам, шунингдек, жамиятшуносликнинг турдош тармоқлари мутахассислари билан биргаликда ҳам йирик комплекс тадқиқотларни тайёрлаш заиф амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқшуносликнинг айрим тармоқ фанлари ривожида нотекислик қайд этилади. Хўжалик, молия, меҳнат, оила, нафақа, савдо ва халқаро ҳуқуқ соҳалари, тадқиқ қилинганда сезиларли орқада қолиш кузатилмоқда. Ўзбекистоннинг инқилобгача бўлган давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда сиёсий-ҳуқуқий таълимот масалалари деярли тадқиқ этилмаётир.

Ҳуқуқшуносларнинг касбий онги кескин ижтимоий муаммоларга нисбатан ҳозиржавоб эмас, ўтмишда орттирилган қатор салбий иллатлар жуда секин йўқолмоқда. Булар орасида — қонунга нисбатан воситавий-ашёвий ёндошув, ҳуқуқий ўзгаришлар имкониятини баҳолашда тор доирадан келиб чиқиш, айбловни бўрттириш, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишда маъмурий-буйруқбозлик усулларига зўр бериш бартараф этилмаган.

Ҳуқуқшуносликнинг фанининг ушбу аҳволга тушиб қолишига нималар сабаб бўлгани? Муайян объектив сабаблар мавжудми? Ҳа, мавжуд. Энг аввало кўп йиллар мобайнида ҳуқуқ фанлари тадқиқотларига иккинчи даражали йўналиш сифатида қараб келинди. Юқори малакали ҳуқуқшунос олимлар тайёрлашга панжа орасидан қаралди. Ҳуқуқшунослар билан амма орасидаги ўзаро муносабат — бир тарафлама бўлиб қолди, асосий тадқиқотлар рус тилида ёзилганлиги сабабли уларнинг мазмуни оддий фуқароларнинг маънавий дунёсига таъсир кўрсата олмади. Кўп йиллар давомида республикамизда қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи идораларнинг ҳуқуқшунос олимлар берган амалий таклифлар эътиборсизлиги ҳам илмий ходимларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатди. Бу идоралар марказда тайёрланган Иттифоқ қонунлари ёки Россия Федерацияси кодексларидан нусха кўчириш билан шуғулланадилар. Чунки ҳуқуқшунослик фани бошқа ижтимоий фанлар каби маъмурий-буйруқбозликнинг қуроли сифатида фойдаланиб келинди ва шунга хизмат қилди. Ҳолбуки, жамият тараққиёт йўналишини узоқ йилларга мўлжалланган илмий тахминларга асосланган ғоялар белгилаб беради. Амалиётда эса илмий таклиф ва ғоя-

(Давоми иккинчи бетда).

• Жамият, инсон ва қонун

ҲУҚУҚШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

лар қоғозда қолиб, етарли фойдаланилмайди. Бу табиий равишда ҳуқуқшунослик фанининг жамиятда тутган мавқеига ва ўрнига салбий таъсир кўрсатди.

Ҳуқуқий ижодкорлик соҳасида илмий ечимлар билан қонун лойиҳалари тайёрлов соҳасида маълум яқинлашув кузатилмоқда. Суд-ҳуқуқий ислоҳотни тайёрлашда ҳуқуқ фани ва жамоатчилик билдирган кўп таклифлар бу ислоҳотни амалга оширишда бевосита ўз ифодасини топди ва топмоқда. Масалан, Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи олимлари сўнгги икки йилда 120 та қонун лойиҳалари бўйича ўзларининг хулоса ва таклифларини тегишли давлат идораларига, авваломбор Олий Кенгашга бердилар. Илмгоҳнинг Ўзбекистон давлат мустақиллиги ҳақидаги Қонун ва Республика янги Асосий Қонунининг илмий тамойилини ишлаб чиққанлиги ва Ўзбекистон Олий Кенгашига тақдим этганлигини қайд этмоқ керак.

Ҳуқуқ фани ва ҳуқуқшунослик амалиётининг яқинлашуви ҳамда ҳамкорлиги шартномавий негизда асосланмоғи шарт. Ҳозирги кунда Олий Кенгаш Раёсати, котибияти ва илмгоҳимиз ўртасида ҳамкорлик шартномаси тайёрланмоқда

Сиёсий-ҳуқуқий ислоҳот самарадорлигини ҳуқуқ сиёсатида ва ҳуқуқнинг ўзидаги танҳо ғоявийликни бартараф этмасдан таъминлаб бўлмайди. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш— ҳуқуқни қарор топтириш ва амалга ошириш жараёнларини изчил демократиялашни, қонун тартиботини турли воситалар билан таъминлашга интилишни рад этиш талаб қилинади.

Ҳуқуқ фани ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқишда иқтисодий ва сиёсий қайта ташкил этишларни чуқур таҳлил этиши ва ҳисобга олиши зарур. Ҳуқуқ фани биринчи навбатда Президентлик бошқаруви шакли, демократик қонунчилик амалиёти, қонуннинг устунлиги ва олийлиги, судларнинг мустақиллиги, қонунни қабул қилишнинг самарадорлиги каби ҳуқуқий давлат тузилмалари ва ҳуқуқ тафсилларини қидириб топиш ва белгилаб қўйишга қаратилмоғи лозим. Ҳуқуқий адабиётларнинг нашр этилмаслиги, улар нусхасининг ҳаддан ташқари камлиги, махсус даврий ҳуқуқий нашрнинг йўқлиги ҳуқуқшунослик фанлари ва янги қонунларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтиришни кенг йўлга қўйишга тўсиқ бўлмоқда. Натижада зарур ишлар нафақат кенг ўқувчилар оммасига, ҳаттоки, илмий ходимларга ҳам етиб бормаётир. Аҳолининг турли қатламларини ҳуқуқий саводхон қилишни пухта ўйланган ва табақалаштирилган тизими йўқ. Шу муносабат билан Адлия вазирлиги қошида яқинда ташкил этилган «Адолат» нашриётидан умидлар катта.

Ҳуқуқшунослик фанлари ва уларнинг ҳуқуқ амалиёти билан алоқаларини ташкил этиш соҳасида ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тавсияларини жорий этиш ва амалга оширишнинг барқарор механизми йўқлиги жиддий нуқсон бўлиб қолмоқда. Бундай механизм ҳуқуқшунослик фанлари вакилларининг таклифларини янада тўлароқ ҳисобга олиш ва таҳлил қилишгагина эмас, балки уларни фойдалилигини баҳолашга, охироқибатда эса — барча ҳуқуқий тизилманинг фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам берган бўлур эди. Бундай механизмнинг барпо этилиши ҳуқуқий тадқиқотларнинг сифатини янада оширишга, бунда қуруқ баёнчилик ва шарҳлов услубларининг ҳукмронлигига барҳам беришга, ҳуқуқий муаммоларни бошқа турдош мутахассисликлар олимлари билан ҳамкорликда янада чуқурроқ ишлаб чиқилишига ёрдам берган бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш шакли ва усулларини кескин ўзгартиришни, шартнома тизимини жорий этишни тақозо қилади. Илмий тадқиқотларни маблағлар билан таъминлаш талаб этилади. Мустақиллик йўлидаги тараққиёт Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатидаги ҳуқуқий жиҳатларини атрофлича тадқиқ қилишга ундайди. Бунда мустақил давлат белгилари, унинг ички ва ташқи сиёсатини олиб боришдаги ваколатлари муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистон — халқаро ҳуқуқ субъекти» мавзуи янги маъно ва аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш иқтисодий маконда ҳуқуқий механизмнинг самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди. Ер, мулк, тадбиркорлик, банк ва банк фаолияти, корхоналар, ташқи иқтисодий алоқалар, чет эл инвестициялари, кооперация каби қонунларни санаб ўтиш мумкин. Бу қонунларнинг қабул қилиниши шу борадаги улкан ҳуқуқий ижодкорлик фаолиятининг бошланиши, холос. Авваломбор бозор иқтисодиёти хартияси бўлмиш Фуқаролик кодексини тубдан янгиламасдан туриб иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий ислоҳ қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, республикамиз тарихида биринчи маротаба «Савдо кодекси» ишлаб чиқилиши ниҳоятда зарур. Биржа фаолияти, божхона ҳақидаги кодекс, қимматли қоғозлар, яккахокимликка қарши ва эркин иқтисодий рақобат, йўл тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши ҳам долзарб вазифалардандир. Албатта, бошқа қонунлар бозор иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ҳақидаги қонунларни қабул қилиниши кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Кун тартибида «Ер кодекси», сув тўғрисидаги кодекс, деҳқон хўжаликлари, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳақидаги қонун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун кабиларни тезда ишлаб чиқиш зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтишда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш — республикамиз раҳбариятининг асосий мақсадларидандир. Шу боисдан социал қонунчиликни ривожлантирмоқ зарур. Бу борада иш билан таъминлаш, меҳнат, социал таъминот тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш даркор.

Кўп минг йиллик маданий меросимизга қизиқиш ниҳоятда кучайган бир даврда ҳуқуқшуносларнинг масъулияти янада ошади. Маданий меросни қўриқлаш, табиат ёдгорликлари музейлари, кутубхона ишлари, ҳужжатхоналар, муаллифлик, ақлий мулк ҳақидаги қонунлар халқимиз яратган бебаҳо бойлик ва хазиналарни келажак авлодга етказишда ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудидан турли даврларда, турли сабаблар билан олиб кетилган тарихий-маданий мерос обидаларини халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида қайтариб олиш учун муайян ишларни олиб бориш ҳуқуқшуносларимизнинг маънавий бурчидир.

Ҳозирги даврда жиноятчиликнинг ўсиб бориши, иқтисодий танглик, айрим аҳоли табақалари орасида маънавиятнинг инқирозга учраши ҳуқуқ фани олдига муҳим вазифалар қўймоқда. Ҳаётимизда янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиб бориши, амалдаги Жиноят Кодексига кечиктириб бўлмас ўзгаришларни киритишни тақозо қилмоқда. Ҳозирги мураккаб ўтиш даври учун, балким, тезликда Жиноят Кодексининг янги таҳririни қабул қилиш зарурдир. Сўнг тубдан янги Жиноят Кодексини ишлаб чиқиш вақти келади.

Албатта, мустақил Ўзбекистон давлатида ҳуқуқий ислоҳотни амалга оширишда, ўз миллий ҳуқуқий тизимимизни шакллантиришда ҳам тарихий, ҳам хорижий давлатларнинг давлат-ҳуқуқ тажрибасидан самарали фойдаланиш даркор. Бу борада 12 аср давомида республикамиз ҳудудида амалда бўлган шариат, мусулмон ҳуқуқи нормаларини ўрганиш муҳимдир. Хорижий давлатлардан эса Туркия, араб-мусулмон давлатлари ҳуқуқий тажрибасидан ҳам фойдаланишимиз керак.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа амалий-илмий муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқшунос олимлар сонини кўпайтиришни тақозо этади. Фанлар Академияси тизимида алоҳида Давлат ва ҳуқуқ илмий-текшириш институтини ташкил этиш — давр талабидир. Бундан ташқари ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда иқтисодчилар, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, шарқшуносларнинг яқиндан ҳамкорлик қилиш яхши самара беради, деб ўйлаймиз.

Ҳуқуқшунослик фанининг муаммо ва ютуқлари тезликда халқ оммаси эътиборига етказилиши керак. Афсуски, республикада биронта ҳуқуқий рўзнома ёки ойнома йўқ. Шу сабабли муайян ҳуқуқий нашр органи бўлса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат, бошқарув ва ҳуқуқнинг ривожланиши қонуниятларини мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ

Карл Маркс номли давлат хўжалигининг Харабек қишлоғида тикувчилик-трикотаж фабрикаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фабрика бозорни халқ истеъмоли моллари билан бойитишга хизмат қилади.

Саноат корхонаси йилига беш миллионтагача трикотаж буюмлар ишлаб чиқара олади. У 350 нафардан кўпроқ қишлоқ аҳолисини ишга жойлаштириш имконини берди.

Ишлаб чиқариш бинолари «Андижон сув қурилиши» бирлашмасининг 3-кўчма механизациялашган колоннаси жамоаси қуриб берди. Янги бино қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини анча яхшилашга сабаб бўлди: йўллар асфальт қилинди, теварак атрофдаги кўчалар ободонлаштирилди, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат муассасалари пайдо бўлди. Фабрика ёнида болалар боғчаси қад кўтарди, уйжой қурилиши бошлаб юборилди.

ИЛОЖИ ТОПИЛДИ

Ургanч шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган даҳасида 24 та енгил автомобиль сиғадиган дастлабки ерости гаражи пайдо бўлди. У маҳаллий меъморлар тайёрлаган лойиҳага асосан қурилди.

Машиналар учун мўлжалланган «уйлар» уларнинг эгаларига ёқиб қолди. Гаражлар кенг, ёруғ, иситилган. Табиийки, ерости гаражлари даҳанинг меъморий қиёфасига зарар етказмайди. Унинг устида болалар спорт майдончаси жойлашган.

Хоразмда шу вақтга қадар бундай иншоотлар қурилмасди — бунга ерости сувлари ҳалақит берарди. Дренаж тармоқлари ётқизган сув хўжалиги ходимлари муаммони ҳал этишга ёрдам бердилар.

Бу йил вилоят марказида шахсий транспорт учун мўлжалланган яна бешта ерости гаражи пайдо бўлади.

ЛИМОН ЭВАЗИГА... ЭҲТИЕТ ҚИСМЛАР

Бозор муносабати билан вужудга келган оғир шароит Навоий автобус-таксомотор парки жамоасини фойда олиш йўлида қўшимча имкониятларни излашга мажбур этди.

Эҳтиёт қисмларнинг ниҳоятда етишмаслиги сабабли ишчилар аҳволдан қутилишнинг чорасини изладилар ва уни топдилар. Бу мол алмашиш ҳисобига керакли нарсаларни олиб келиш каби тадбирлардир.

Автомобилчилар эҳтиёт қисмлар эвазига Москва яқинидаги Электросталь шаҳрига лимон етказиб бера бошладилар. Бундан ташқари Вольжск мотор заводи билан ҳам аҳдлашиб олинди. У ерда автотранспорт корхонасининг слесарлари бир неча ой ишлайдилар. Бунинг ҳисобига Навоийга тақчил двигателлар юборилади.

(ЎзТАГ).

МАТОНАТ, ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ, ҒАМХЎРЛИК

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ТЕЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Амударё тошқинидан Бўзатов районидаги қатор хўжаликларининг уй-жойлари, маданий-маиший объектлари, маъмурий идоралар, фермалар сув остида қолгани ҳақида илгари рўзномада хабар қилинган эди. Тошқин туфайли Нукус-Бўзатов-Аспантой магистрал йўлининг сўнгги қисми ишдан чиқди. Сув магистрал йўлининг ўнг томонига ўтиб кўп яйловларни сув босди. Узунлиги 25 километрлик Пўрлитов-Аспантой йўлининг кўп қисмида ҳам йўл яроқсиз ҳолга келди. Қатнов тўхтаб қолди.

Аспантой давлат хўжалиги маркази ва Алиовул элатининг қисман ерлари сув тошқинидан омон олиб қолинди. Сув босмасдан олдин бу ерга келтирилган техника ва ҳар хил механизмлар шу ерда дамба қуришда зарарланган, шикастланган объектларни қайта тиклашда икки сменада ишлатилиб турибди. Атрофнинг ҳаммасини сув босган. Йўл йўқ. Ишлаётган механизаторларга, аҳолига озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечаклар, эҳтиёт қисмлар вертолётлар ёрдамида етказиб берилмоқда.

— Ҳозирги асосий вазифалардан бири, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раис ўринбосари Қўнғиратбой Дошимбоев,—Пўрлитов —Аспантой магистрал йўлини бугун-эртага битказиб фойдаланишга топширишдан иборат. Ана шу йўл битказилмаса, бугунги ишлар эртага, индинга қолаверади. Кўплаб бульдозер, скрейпер, экскаватор, ағдарма машиналарни йўл қурилишига сафарбар қилдик.

Йўлни сув ёриб ўтган жойларни тиклашда ва ремонт қилишда Пўрлитов ҳудудида учта бульдозер, 30 та машина иккиуч сменада ишлаяпти. 18-кўчма механизациялашган колоннанинг бульдозер ҳайдовчиси ота-бола Боймурод ва Султонмурод Бердимуротовлар кундузни оқшомга улаб ишламоқдалар.

Йўл ремонти ва қурилишини тезроқ битказиб ишга туширишда Қорақалпоғистон республикасидаги бирлашмалар, автокорхоналар яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Пўрлитов — Аспантой магистрал йўлининг тупроқ ишлари бугун-эртага тугалланади. Шу тариқа Аспантойга озиқ-овқат, қурилиш материаллари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш имкониятлари яратилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Иштихон районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги чорвадорлари маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этишаётир.

Суратда: шу хўжаликнинг бузоқбоқари Ойдин Улуғова. У 50 бош бузоқни парваришлайди.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БУХОРОДА

Ўзбекистонга амалий ташриф буюрган туркиялик бир гуруҳ бизнесменлар Бухорода бўлишди. Уларни вилоят табиий бойликлари қизиқтирди.

Бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатларда қўшма корхоналар ташкил этиш, иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ривожлантириш имкониятлари гаплашиб олинди. Меҳмонларни халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров қабул қилди,

Республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов меҳмонларга ҳамроҳлик қилди.

(ЎзТАГ).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ХОРИЖДА

ДЕЛЕГАЦИЯ САФАРИ

● Миср Араб Республикаси Бош вазири ўринбосари, режалаштириш вазири Камол ал-Ганзулий бошчилигидаги Миср делегацияси ўн кун давомида сафарда бўлади. Делегация аъзолари Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи олти республиканинг пойтахтларига боришади, ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида музокаралар ўтказишади.

Москва, Боку, Ереван, Олмаота, Тошкент ва Киевда бўладиган учрашувларда Миср Араб Республикаси Президенти Хусни Муборакнинг мактублари топширилади.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА

● Россия давлат котиби, ҳукумат бош вазирининг биринчи муовини Геннадий Бурбулис Хельсинкига расмий ташриф буюрди. У журналистлар билан суҳбатда долзарб масалаларга тўхталди. Биз Финляндияда Россия билан Финляндия ўртасида янги тарихий асосда тикланаётган ва шаклланаётган ҳамкорликнинг барча соҳалари юзасидан музокаралар ўтказишни мўлжаллаяпмиз, деди Г. Бурбулис.

КУЧЛИ ДОВУЛ

● Мексиканинг бир қанча штатларида кейинги йилларда куни кечагидек кўп ёғингарчилик бўлмаган эди. Натижада минглаб киши бошпанасиз қолди. Айрим штатларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Кучли довул рўй берганлиги сабабли Мексика кўрфази соҳилида барча денгиз портлари ёпиб қўйилди.

(ТАСС хабарлари асосида тайёрланди).

ҚЎШМА БАЁНОТ ИМЗОЛАНДИ

Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумат делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга ВСР Вазирлар Кенгаши Раисининг махсус вакили, ВСР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нгуен Зе Ниен бошчилик қилмоқда.

17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолаш маросими бўлди.

Қўшма баёнотни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ва Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нгуен Зе Ниен имзоладилар.

(ЎзТАГ).

Ажаб ҳангомалар

Қачон нуқта қўйилади?

Қумқўрғон райони раҳбарлари лавозимларга ўз яқинларини тиқиштириш билан овора. Аксарият лавозим бўйича «операция»лар силлиқ кўчди. Аммо халқ маорифи бўлими мудирининг жойидан қўзғалиши «оғир» бўляпти. Бир марта бўшатиб кўрди, бўлмади (1990 йилнинг 28 сентябрида район халқ маорифи бўлими мудири А. Тўраев ишдан бўшатилганди. Аммо район кенгаши бу масалани қайта кўриб, 1990 йил 20 декабрдан уни яна вазифасига тиклади.)

Район сессияси ушбу қарорни тасдиқламади. Лекин курашнинг йўллари кўп дегандек, бошқа усуллардан ҳам фойдаланишмоқда. А. Тўраевнинг муовини А. Бобоқулов орқали халқ маорифи бўлимидаги барча ишлар унинг қўли билан бажарилади. Гўё мудирнинг ўзи йўқдай, у бир қўғирчоғу, билган ишингни ўринбосарларинг билан бажараверишмумкин дегандек. Бу билан А. Тўраевнинг асабини эзовламоқчи, ўз ихтиёри билан ишдан кетказишмоқчи бўлдилар.

Аммо Тўраевнинг асаби мустаҳкам экан. Район сессиясида бу кирдикорларни ҳам фош этилиши мумкин бўлиб қолгач, уни обрўсизлантиришнинг бошқа йўлини излаб топишди. Аввал қамалиб чиққан, собиқ 49-ўрта мактабнинг директори Тилла Нормуродов номидан район рўзномасида мақола уюштирилди. (Воажаб безорилиги учун жазоланиб келганлар ҳам келажак авлодга аҳлоқдан тарбия берса-я? Яна мақоланинг сарлавҳасига эътибор беринг — «Келажакка эгоз бўлмайлик» — келажакка ким тўсиқ бўляпти-ю, ким уни парвариш этмоқда!) Энди унда баён этилган рақамларни, туҳматларни ёзмасак ҳам бўлар. Бизни бошқа нарса ҳайрон қолдирди. Мақоланинг «Рўзнома муҳарририятидан» деган қисмида қуйидагилар ёзилган. «Биз район халқ таълими бўлимидаги жиддий камчиликлар ва раҳбариятнинг нўноқлиги, ўз вазифаларига астойдил ёндошмаётганликлари тўғрисида юқорида иккита танқидий мақола эълон қилдик. Чунки рўзнома халқ минбари, қаердаки, халқ билан, жамоа билан ишлаш ёмон йўлга қўйилар экан, буни рўзнома орқали халқнинг ўзи фош этишига тўла ҳақли... Дарҳақиқат, бу ўқув йили ниҳоясига етди, ҳадемай янги ўқув йили. Ёш авлод тақдири яна нўноқлик гирдобида қолиб кетмасин.»

Рўзнома халқ минбари экан, нега энди у уюштирилган мақолаларни чоп этиш билан банд. Қолаверса, халқ таълими мудирининг жавоб хати кейинги сонларда нега эълон қилинмади? Бу ҳам майли. Мақола юзасидан А. Тўраевнинг қатъий талаби асосида район нонблари ва журналистларидан иборат комиссия хулосаси нега чоп этилмади? Чунки комиссия рўзнома бир ёқламали, шикоят хатини ўрганмай туриб чоп этиб, хатога йўл қўйгани қайд этилган эди.

М. ТОШПУЛАТОВ.

* * *

БИЗНИНГ ШАРҲ: «Қачон нуқта қўйилади?» мақоласи тайёрланганига анча бўлган эди. Бу орада А. Бобоқулов, Т. Нормуродов ўз вазифасидан озод этилди. Лекин район халқ таълими бўлими мудири А. Тўраев ўз шанишавкатини ҳимоя қилиш борасида ҳамон чекингани йўқ. Район рўзномаси одилона ишга ўз вақтида нуқта қўйишига ишонамиз.

ЭЪЛОНЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

БОСМА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

НАРХЛАР ШАРТНОМА АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ:

— КИТОБЛАР ВА БРОШЮРАЛАР, юмшоқ муқовада, 384 бетдан ошмаган, формати 84x108 1/32, 70x108 1/32, 84x108 1/16, 70x108 1/16, матн ролли бўлган босма машиналарнинг юқори, офсет босма усулида;

— РАНГ-БАРАНГ БУКЛЕТ ВА ПРОСПЕКТЛАР, ЮМШОҚ МУҚОВАДА БОЛАЛАР КИТОБЧАЛАРИ, ЁРЛИҚЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАШРИФНОМАЛАР ВА БОШҚА ТУРДАГИ РАНГЛИ МАҲСУЛОТЛАР, формати 60x45 дан то 90x120 гача офсет машиналарда;

— ОЙНОМАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН АДАБИЁТЛАР, формати 60x90 1/8, турфалиги 5+2 бўёқда, 2+2 бўёқда, шунингдек 84x108 1/16, 70x108 1/8, турфалилиги 4+4 бўёқда, ҳажми 384 бетдан ошмаган ҳолда ролли ва офсет машиналарда;

— эни 60 см. дан 90 см. гача, турфалилиги 4 бўёқдан ошмаган, деворга ЁПИШТИРИЛАДИГАН ГУЛ ҚОҒОЗЛАР.

— БУЮРТМАЧИНИНГ КАРТОНИДАН РАНГЛИ КОРОБКАЛАР;

Буюртмачининг қоғози бўлса, концерн маҳсулот сифати ва вақтида бажарилишига кафолат беради.

МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАНИШ МУДДАТИ: матрица ва позитивлардан-1 ойгача, оригиналдан — 3 ойгача.

МЕТАЛЛДАН КЎРСАТКИЧЛАР, КЛИШЕЛАРГА БУЮРТМАЛАР ЧЕГАРАЛАНМАГАН РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси» кўчаси, 41-уй Мурожаат учун телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50.

1992 ЙИЛ 12-14 ФЕВРАЛДА

САМАРҚАНД ШАҲРИДА

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт комитетининг спорт зали биносида

ОРТИҚЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

ЯРМАРКА ИШИДА ҚАТНАШИШНИ ХОҲЛАГАНЛАР ЎЗБЕКИСТОН САВДО ВОСИТАЧИЛИГИ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ ҲАМЗА АВИАСОЗЛИК БЎЛИМИДАГИ 000441621 ҲИСОБ РАҚАМИ (МФО 172682305) ГА ҚУЙИДА КЎРСАТИЛГАН ПУЛ МИҚДОРИНИ ҲИСОБЛАБ ЎТКАЗИШЛАРИ ЁКИ ЯРМАРКАГА ЕТИБ КЕЛГАН ЗАҲОТИ НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАШЛАРИ ҲАМДА ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИНИНГ НУСХАСИНИ КЎРСАТИШЛАРИ ЛОЗИМ:

улгуржи ва чакана савдо ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти вакиллари — бир киши учун 300 сўм ва кейинги қатнашчи учун 150 сўмдан;

— саноат корхоналари, кичик қўшма корхоналар, фирмалар, акционерлик жамиятлари, кооперативларнинг вакиллари, брокерлар — бир киши учун 400 сўм ва кейинги қатнашчилар учун 200 сўмдан.

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИ 1992 ЙИЛ 10-11 ФЕВРАЛДА КЕЛИШЛАРИ ЛОЗИМ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН САВДО ВОСИТАЧИЛИГИ ТАШКИЛОТИ.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун ногиронларга ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш, уларнинг турмуш фаолиятидаги чеклашларни бартараф этиш, ногиронларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида фаол қатнашишларига, шунингдек ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришларига имкон берадиган қулай шарт-шароит яратиш мақсадида давлатнинг ногиронларга оид сиёсатини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, ногиронликнинг олдини олишга ва ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиб кетиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **«Ногирон» тушунчасининг таърифи**

Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади.

Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида ифодаланади.

Шахсни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

2-модда. **Ногиронлар ҳуқуқий мавқеининг асослари**

Ногиронлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган барча ижтимоий-иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Ногиронларни камситиш тақиқланади ва қонунга мувофиқ жазоланади.

3-модда. **Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш**

Давлат ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаб, тегишли давлат дастурларида ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, саломатлигини сақлаш, меҳнат қилиш, билим олиш ва касб ўрганиш, уй-жойли бўлиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда тўсиқларни бартараф этиш мақсадида қонунларда кўзда тутилган шаклларда уларга ижтимоий ёрдам бериш йўли билан уларнинг хос камол топишлари, ижодий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратиб беради. Давлат ногирон болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ногиронларга ёрдам кўрсатиш мақсадида республикада ва вилоятларда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари ташкил этилиб, улардан солиқ олинмайди. Бу жамғармаларни ташкил этиш, уларнинг фаолият тартибини ҳамда ташкил топиш манбаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгилаб беради.

Болаликдан ногирон бўлганларнинг ҳамда бошқа I ва II гуруҳ ногиронларнинг уй-жой шароитини яхшилаш чоғида уйлар уларнинг иш жойларига ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига ва транспорт йўлларига яқин бўлиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Ногиронларга ва аъзоларидан бири ногирон бўлган оилаларга уй-жой бериш, уй-жой сотиб олиш, қуриш ва улардан фойдаланиш юзасидан енгилликлар Ўзбекистон Республикасининг уй-жой тўғрисидаги қонунларида белгилаб берилади.

4-модда. **Ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш**

Ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат томонидан суд йўли билан ёки қонунда белгиланган бошқа тартибда таъминланади.

Фуқаро ваколатли давлат идораси (ТМЭК)нинг уни ногирон деб топган ёки ногирон деб топмаганлиги хусусидаги қарорига норозилик билдириб, ТМЭКнинг юқори идорасига мурожаат қилишга ҳақлидир. Агар шу қарор ҳам ногиронни қониқтирмаса, унда у суд йўли билан эътироз билдиришга ҳақлидир.

Ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар қонунда белгиланган моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

5-модда. **Ногиронлар муаммоларига доир қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирок этиши**

Жамоат бирлашмалари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек тегишли тадбирларни пул билан таъминлашда иштирок этишлари мумкин. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари уларга бу борада ҳар томонлама кўмаклашишлари шарт.

6-модда. **Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар**

Ўзбекистон Республикаси қонунларида:

даромадларни индексациялашни ҳисобга олиб, республика бюджети, маҳаллий бюджетлар, Пенсия жамғармаси маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш тартиби ва шартлари;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг республика ва минтақа дастурларини тасдиқлаш ва пул билан таъминлаш тартиби;

ногиронларни тарбиялашни, уларнинг умумий таълим олишини ва ҳунар ўрганишини, уларни ишга жойлаштиришни ва меҳнати муҳофаза этилишини таъминлашга оид умумий қоидалар белгилаб берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

7-модда. **Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалари**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

II. НОГИРОНЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРАДАН ТУСҚИНЛИКСИЗ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ

8-модда. **Ногиронларнинг уй-жойлардан ва ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектларидан фойдаланишини таъминлаш**

Давлат идоралари, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронларга (шу жумладан ўриндиқли аравача ва етакловчи итлардан фойдаланувчи ногиронларга) уй-жойлардан, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларидан, иншоотлар ва хоналардан фойдаланишлари, жамоат транспорти ва транспорт коммуникациялари, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишлари, бемалол йўл танлаш ва юришлари учун шарт-шароит яратиб беришга мажбурдирлар.

9-модда. **Ижтимоий инфраструктура объектларини лойиҳалаш ва қуриш чоғида ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш**

Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, турар жой даҳаларини барпо этиш, бинолар, иншоотлар, шу жумладан аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автостанциялар, дарё портлари, спорт комплекслари, маориф ва маданият объектларининг, коммуникацияларнинг лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш, уларни қуриш ва реконструкциялаш, шунингдек транспорт воситаларини, шу жумладан хусусий транспорт воситаларини, алоқа ва ахборот воситаларини уларга ногиронлар кириши ва улардан фойдаланиши учун мослаштирмай туриб яратиш ва ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди. Тегишли объектларнинг лойиҳалари ногиронларнинг жамоат ташкилотлари билан келишиб олиниши керак.

Ногиронларга шарт-шароит яратиш лойиҳаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ногиронлар учун мўлжалланган объектларни лойиҳалаш ва қуриш устунлик тартибида амалга оширилади.

10-модда. **Ижтимоий инфраструктуранинг ишлатилаётган объектларини ногиронлар фойдаланиши учун мослаштириш**

Умумий фойдаланишдаги транспорт, алоқанинг, ахборотнинг ишлатилаётган воситалари ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектлари (8 ва 9-моддалар) давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари томонидан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида белгилаб қўйиладиган тартибда ва шартларда ногиронлар кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилиши зарур.

Мазкур объектларни ногиронлар кириши учун мослаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ногиронларнинг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдиган зарур чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак.

11-модда. **Турар жой биноларини ногиронларнинг киришига ва фойдаланишига мослаштириш**

Ногиронлар ёки аъзоларидан бири ногирон бўлган оилалар яшаётган турар жой бинолари, шунингдек ногиронлар учун қурилаётган уй-жойлар ногиронлар саломатлигини тиклашнинг якка тарздаги дастурига мувофиқ махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланиши лозим.

Мазкур турар жой бинларини уй-жой фондининг эгаси бўлган халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жиҳозлайдилар. Якка тартибда қурилган уйларни жиҳозлаш халқ депутатлари тегишли Советлари томонидан белгилаб қўйилган тартибда ногиронларнинг жамоат бирлашмалари албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур тадбирларни пул билан таъминлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгилайди.

12-модда. **Ногиронларнинг транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектларидан фойдалана олишини таъминлаш вазифаларини бажармаганлик учун иқтисодий жавобгарлик**

Ишлаб турган транспорт, алоқа ва ахборот воситаларини ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектларини ногиронлар кира оладиган ва фойдалана оладиган қилиб мослаштириш юзасидан ушбу қонунда кўзда тутилган чора-тадбирларни бажармаган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар ногиронларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маблағни Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилган тартибда тегишли бюджетларга ўтказадилар.

Мазкур маблағлардан фақат ижтимоий инфраструктура объектларини ногиронларнинг эҳтиёжларига мослаштириш тадбирларини амалга ошириш учунгина фойдаланиш мумкин.

13-модда. **Ногиронларнинг маданий-томошагоҳ муассасаларига ва спорт иншоотларига киришини таъминлаш**

Халқ депутатлари маҳаллий советлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимлари, бошқа тармоқ бўлинмалари ногиронлар маданий-томошагоҳ муассасаларига ва спорт иншоотларига бемалол кириши ва маданий камол топиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш мақсадида улардан бемалол фойдаланиши учун зарур шароитларни яратиб беришга, шунингдек уларга махсус спорт анжомлари берилишини таъминлашга мажбурдирлар. Ногиронлар мазкур хизматлардан бепул ёки енгил шартлар билан фойдаланадилар.

14-модда. **Ногиронлар учун ижтимоий-маданий объектлар ҳамда спорт иншоотлари қуришни пул билан таъминлашда, уларни жиҳозлашда ва таъмирлашда корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларнинг иштироки**

Корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронлар учун ижтимоий-маданий объектлар ҳамда спорт иншоотлари қуришни пул билан таъминлашга, жиҳозлар сотиб олишга ва уларни таъмирлашга маблағ ажратишга ҳақлидир. Мазкур мақсадларга ажратилган маблағдан солиқ олинмайди.

15-модда. **Ногиронлар учун моллар ва техника воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга бериладиган енгилликлар**

Ногиронлар учун саноат моллари, махсус техника ва ўзга воситалар ишлаб чиқарадиган ҳамда ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга, шунингдек ақлий ва жисмоний ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирларга мўлжалланган махсус таълим-тарбия муассасаларига Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий советларининг қарорлари билан белгилаб қўйиладиган тартибда ва шартларда енгилликлар берилади.

III. НОГИРОНЛАРНИ ТИББИЙ, КАСБ ВА ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ТИКЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

16-модда. **Ногиронларни тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси ногиронларни тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш тизимини ташкил этади ва бу тизим қарор топиши ҳамда ривожланишига кўмаклашади. Мазкур тизим организмнинг издан чиққан ёки йўқолган қобилиятларини, ўзига ўзи хизмат қилиш қобилиятини, касб фаолиятининг хилма-хил турларидаги қобилиятини, шунингдек ногиронларга тўлақонли турмуш тарзини давом эттириш имконини берадиган ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда мавжуд имкониятларини ишга солишни таъминлайдиган қобилиятларини қайта тиклашга ҳамда уларнинг ўрнини қоплашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ногиронларни тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш, шунингдек ногиронликнинг олдини олиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва мутахассислар тайёрлашни пул билан таъминлайди ҳамда бу ишни ташкил этади.

17-модда. **Ногиронларни тиклашнинг якка тартибдаги дастури**

Ногиронларни тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш ногиронларни тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ амалга оширилади. Бу дастур ногиронларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари иштирокида халқ депутатлари ноҳия, шаҳар советлари ваколат берган давлат идоралари томонидан тиббий-ижтимоий экспертиза асосида белгиланади.

Ногиронга тавсия этиладиган тиклашнинг якка тартибдаги дастурида тиклаш чораларининг аниқ ҳажми, турлари ва амалга ошириш муддатлари, шунингдек ижтимоий ёрдам турлари кўрсатилади.

Ногирон тақдим этадиган тиклашнинг якка тартибдаги дастури тегишли давлат идоралари, шунингдек корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ижро этиши мажбурий бўлган ҳужжатдир.

18-модда. **Ногиронларни тиклаш ишларини амалга оширувчи муассасалар**

Республика идоралари ва маҳаллий идоралар ногиронларнинг саломатлигини тиклашга қаратилган ёрдамга бўлган эҳтиёжларини ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, ногиронларнинг саломатлигини тиклаш тармоқларини, шу жумладан илмий-ишлаб чиқариш марказларини, амбулаториялар ҳамда доимий даволаш-профилактика муассасаларида тиклаш бўлимларини, махсус ўқув-тарбия муассасаларини, ихтисослаштирилган санаторий-курорт муассасаларини, ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар ва муассасаларни барпо этадилар.

IV. НОГИРОНЛАРНИНГ ИЛМ ОЛИШИ ВА КАСБ ТАЙЁРГАРЛИГИ

19-модда. **Ногиронларнинг илм олиши ва касб тайёргарлиги учун шароит яратиш**

Давлат ногиронларнинг илм олиши ва касб тайёргарлиги учун зарур шарт-шароит яратишга кафолат беради.

Халқ таълими идоралари соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот идоралари билан биргаликда ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари тарбиясини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, ногиронларни тиклашнинг якка тартибдаги режасига мувофиқ улар умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим олишини таъминлашга мажбурдирлар.

20-модда. **Ногирон болаларнинг мактабгача тарбияси**

Саломатлиги туфайли умумий йўсиндаги мактабгача тарбия муассасаларига қатнай олмайдиган ногирон болаларни тарбиялаш ҳамда саломатлигини тиклаш учун энг қулай имкониятларни яратиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий советлари корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларни жалб этган ҳолда махсус мактабгача тарбия муассасаларини, шу жумладан интернат-уйларни ташкил этадилар.

21-модда. **Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим олиши**

Ногиронларга умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим бериш барча ўқув юртларида, зарур бўлган ҳолларда эса махсус билим юртларида амалга оширилади.

Доимий ишлайдиган даволаш-профилактика ёки саломатликни тиклаш муассасаларида даволанаётган ногирон болалар учун ҳам ўқув машғулотлари ташкил этилади.

22-модда. **Ногирон болаларга уйда тарбия ва таълим бериш**

Ногирон болаларга умумий ёки махсус мактабгача тарбия муассасаларида ва ўқув юртларида тарбия ва таълим бериш имкони бўлмаган тақдирда, ота-оналарининг истаклари ҳисобга олиниб, бундай болаларга уйда тарбия ва таълим берилади. Бунда ота-оналардан бирига ёки уларнинг ўрнини босувчи кишига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган тартибда ва шартлар асосида моддий таъминот ва имтиёзлар берилади.

Тегишли ўқув-тарбия, муассасалари ногирон болаларни уйда ўқитишда ота-оналарга ёрдам бериши шарт.

23-модда. **Ногирон болаларнинг мактабдан ташқари тарбияси**

Ногирон болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни, меҳнатга қизиқишни тарбиялаш, уларни фан, техника, санъат ва спортга жалб этиш мақсадида халқ таълими идоралари, бошқа давлат идоралари ногирон болаларнинг мактабдан ташқари тарбиясини ҳисобга олиб, махсус корхоналар, цехлар ва участкалар барпо этилади. Кўзи ожиз ногиронлар шаронти ўзларининг имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришларда қатнашишда устунлик ҳуқуқига эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар ва бирлашмалар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган ногиронларга мазкур фаолият учун одам турмайдиган бино ёки хоналар ажратиб бериш, хом ашё сотиб олиш ва маҳсулотни сотишда зарур ёрдам беради.

30-модда. **Ногиронларнинг меҳнат шароити**

Корхоналарда, бирлашмаларда, муассасаларда ва ташкилотларда ишлаётган ногиронларга тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ равишда зарур меҳнат шароити яратилади.

Меҳнат шароити, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, тартиби ва дам олиш вақти, жамоа ёки якка тартибдаги меҳнат шартномасида белгилаб қўйиладиган йиллик ва қўшимча отпускаларнинг муддати амалдаги норматив ҳужжатларда кўзда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки уларнинг ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

31-модда. **Ногиронлар меҳнати қўлланиладиган корхоналар учун енгилликлар ва имтиёзлар**

Умумий ишловчилар сонининг уч фоизидан кўпроғи ногиронлардан иборат бўлган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ ногиронлар белгиланган нормага нисбатан неча фоиз ортиқча ишга жойлаштирилган бўлса, шунча фоизга кам олинади. Бундан ташқари бу корхона, муассаса ёки ташкилот имтиёзли асосларда пул билан таъминланиш ва моддий-техника таъминоти олиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ногиронлар умумий ишловчилар сонининг эллик фоиздан кўпроғини ташкил этган тақдирда корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар солиқлардан батамом озод қилинади.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларга енгил солиқ солиш, уларни пул билан таъминлаш, моддий-техника таъминотининг қонунлари билан белгиланади.

V. НОГИРОНЛАР МЕҲНАТИ

28-модда. **Ногиронларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириши**

Ногиронларнинг ижодий ва ишлаб чиқариш қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳамда тиклашнинг якка тартибдаги дастурларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат шароити одатдагича бўлган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда, ногиронлар меҳнати қўлланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлаш ҳуқуқи, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан ҳамда қонун билан тақиқланмаган ўзгача меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи таъминланади.

Ногирон билан меҳнат шартномаси тузишдан ёки хизмат юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришдан бош тортишга, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ногиронлиги учун уни ўз розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра, ногиронни саломатлиги бу касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногиронни ёхуд бошқа кишиларнинг саломатлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин аввалги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

29-модда. **Ногиронларни иш билан таъминлаш**

Ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат идоралари ногиронларнинг касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмалари иштирокида корхоналарда, бирлашмалар, муассасаларда ва ташкилотларда ишловчилар сонининг камида 3 фоизи миқдорида ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйиш нормаларини белгилайди (камида 34 киши).

Ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда ногиронларни ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун пул тўлайди.

Ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, корхоналар ва участкалар барпо этилади.

Ногиронларнинг касб тайёргарлиги ва уларнинг малакасини ошириш ўқув юртларида, корхоналарда ва ташкилотларда (ихтисослаштирилган ёки умумий йўсиндаги), шунингдек ногиронлар жамоат ташкилотларининг корхоналари ва бирлашмаларида ижтимоий ёрдам муассасалари билан биргаликда тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ равишда таъминланади.

Касб тайёргарлиги ва малака ошириш даврида ногиронлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартиб ва шартлар асосида моддий жиҳатдан таъминланади.

26-модда. **Ногиронларнинг илм олиш, касб тайёргарлиги ва малака ошириш шакллари**

Ногиронларнинг илм олиши, касб тайёргарлиги ва малакасини ошириши турли шаклларда, шу жумладан, кундузги ҳамда кун дузги-сиртқи шаклларда, ўзича мустақил тайёрланиш йўли билан, махсус гуруҳларда, синфларда ҳамда якка тартибдаги ўқув дастурлари асосида, шу жумладан уйда ўқиш йўли билан рўёбга чиқарилади.

27-модда. **Имо-ишора тили**

Ўзбекистон Республикаси имо-ишора тилини шахслараро мулоқот воситаси сифатида тан олади. Имо-ишоралар тилининг ҳуқуқий мақоми ва қўлланиш соҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб берилади.

VI. НОГИРОНЛАРГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ

32-модда. **Ижтимоий ёрдам турлари**

Ногиронларга ижтимоий ёрдам пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар) шаклида, техника воситалари ҳамда бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш шаклида, шунингдек тиббий, ижтимоий ва касб жиҳатидан тиклаш ҳамда маиший хизмат, транспорт хизмати кўрсатиш йўли билан берилади.

Ногиронларни пенсиялар ва нафақалар билан таъминлаш тартиби пенсия ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилади.

Ногиронларга бепул махсус тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларида белгилаб қўйилади. Ногиронларни дори-дармонлар билан таъминлаш, уларга техник воситалар ва ўзга воситаларни бериш, шунингдек, маиший хизмат ва транспорт хизмати кўрсатиш бепул ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда енгил шартлар асосида амалга оширилади.

33-модда. **Ногиронга техника воситаси ёки ўзга воситани бериш**

Ногиронга техника воситаси ёки ўзга восита саломатликни тиклашнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ бепул ёки имтиёзли шартлар билан берилади.

Саломатликни тиклашнинг якка тартибдаги дастурида кўзда тутилган техника воситаси ёки ўзга воситани давлат идораси ногиронга бериши мумкин бўлмаса ёки ногирон тегишли воситани ўз ҳисобидан сотиб олган бўлса, унга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда товон тўланади.

34-модда. **Уйга бориб хизмат кўрсатиш. Ногиронларга ижтимоий ёрдам бераднган доимий ишловчи муассасалар**

Бошқаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий ёрдам идоралари уйга бориб ёки доимий ишлайдиган муассасаларда тиббий ёки маиший хизмат кўрсатади.

Давлат бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий ёрдам берувчи доимий муассасалар тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади.

Агар ишчи ёки хизматчи корхона, бирлашма, муассаса, ташкилотнинг айби билан ногирон бўлиб қолган ҳамда бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлса, шу корхона, бирлашма, муассаса, ташкилот соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот идораларининг хулосасига мувофиқ меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган даврда беморни парваришлаш учун ўз ҳисобидан уйда қараб турадиган бир кишини ёллаши шарт ва ногиронга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплайди.

35-модда. **Интернат-уйлардаги ва бошқа доимий ишлайдиган ижтимоий ёрдам муассасаларидаги ногиронларнинг ҳуқуқлари**

Ногиронларнинг интернат-уйларда ёки бошқа доимий ишлайдиган ижтимоий ёрдам муассасаларида бўлиш шароити ногиронлар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишлари учун имкониятни таъминлаши ҳамда шахснинг эҳтиёжлари мумкин қадар тўла-тўкис қаноатлантирилишига кўмаклашиши лозим.

Саломатлигини тиклаш чоралари ёрдамида ногиронларнинг интернат уйда ёки ўзга доимий ишлайдиган ижтимоий муассасада бўлишига зарурат қолмаган тақдирда давлат ҳокимияти маҳаллий идораси унга ушбу қонуннинг 11-моддаси талабларига мувофиқ равишда қулай турар жой майдони бериши керак.

Доимий ишлайдиган муассасаларда яшаётган етим ёки ота-оналарининг васийлигидан маҳрум этилган ногирон болалар балоғатга етгач, агар саломатликни тиклашнинг якка тартибдаги дастурида ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва мустақил турмуш кечириш имконияти кўзда тутилган бўлса, шу дастурга мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий советлари томонидан навбатдан ташқари турар жой майдони билан таъминланади.

36-модда. **Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш**

Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, шу жумладан уларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш, уларга коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш халқ депутатлари маҳаллий советлари томонидан ногиронларнинг касаба уюшмалари ҳамда жамоат бирлашмалари, ижтимоий ёрдам муассасалари иштирокида белгиланадиган енгил шартлар асосида амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий советлари ҳар йили камида бир марта ногиронларнинг ижтимоий-турмуш шароитларини ўрганиб чиқишни ташкил этадилар ҳамда бу шароитларни яхшилаш учун зарур чоралар кўрадилар.

37-модда. **Ногиронларга ижтимоий ёрдам берувчи давлат идоралари**

Ногиронларга ижтимоий ёрдамни халқ депутатлари маҳаллий советлари, уларнинг ижроия ва бошқарув идоралари, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт идоралари ҳамда бошқа давлат идоралари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тиббий-ижтимоий экспертиза (тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг, ихтисослаштирилган эксперт хизматларининг, тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида кўрсатадилар.

38-модда. **Ижтимоий ёрдамни пул билан таъминлаш манбалари**

Ижтимоий ёрдам республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, Пенсия жамғармаси, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари маблағлари ҳисобидан, шунингдек корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан берилади.

Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўсатиш билан боғлиқ тадбирларни пул билан таъминловчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда ва шартларда солиқ солишда енгилликлар берилади.

VII. НОГИРОНЛАРНИНГ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

39-модда. **Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқи**

Ногиронлар ва уларнинг номидан иш олиб борувчи шахслар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилган тартибда жамоат бирлашмаларини, шу жумладан турли жамғармаларни ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат идоралари ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга ҳар томонлама мадад, моддий ва гуманитар ёрдам беради.

Давлат идоралари, шунингдек мулкнинг ва хўжалик юритишнинг шаклидан қатъий назар, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронлар манфаатларига таалуқли масалаларни ҳал этиш чоғида бу масалаларни ногиронларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳал этишлари шарт.

Ногиронлар ва уларнинг қонуний вакиллари ўз манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масалалар муҳокама қилинаётганда ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилинаётганда қатнашиш, шунингдек зарур ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

40-модда. **Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига бериладиган имтиёзлар ва енгилликлар**

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг корхоналари, бирлашмалари, муассасалари ва ташкилотлари солиқ тўлашда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланадилар.

Ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлимлари ва бўлинмалари бинолар олишда, хом ашё ресурслари, ишлаб чиқариш-техника ускуналарини сотиб олишда биринчи навбат ҳуқуқидан фойдаланадилар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ имтиёзли суратда пул ва кредит билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин, ушбу Қонуннинг 8, 9, 10 ва 12-моддаларида кўзда тутилган қоидалар бундан мустасно.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

1992 йил 1 январига қадар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорларини «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мослаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

1992 йил 1 апрелга қадар:

ногирон деб ҳисоблаш учун асослар рўйхатини ишлаб чиқсин;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида таклифлар тайёрласин;

1992 йил 1 июлгача қонуннинг 8, 9, 10 ва 12-моддаларида кўзда тутилган қоидаларнинг босқичма-босқич амалга киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

қуйидаги масалаларни:

саломатликни тиклаш марказларини ташкил этиш тартиби ва муддатларига, пул билан таъминлашга, уларнинг моддий — техникавий ва кадрлар таъминотига доир;

ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига ихтисослаштирилган корхоналар барпо этиш ҳамда уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашда ёрдам бериш ҳақидаги;

тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш бўйича мутахассислар, шу жумладан чет элда мутахассислар тайёрлаш ҳақидаги;

ногиронлар учун махсус иш жойлари яратиш ҳақидаги масалаларни ҳал этсин;

1992-1994 йилларда ижтимоий инфраструктура объектларини, биринчи навбатда транспорт воситалари ва коммуникацияларни вокзал комплексларини, аэропортлар, шунингдек ногиронлар яшайдиган турар жой биноларини ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қайта жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь,

● **Андижон вилояти. Советобод индустрия техникумида ҳар йили 200 га яқин мутахассис тайёрланади. Бўлажак механик-техниклар, электрчилар ҳамда бухгалтерлар ишлаб чиқариш практикасини Россия шаҳарларида, Тошкент трактор заводида ўтказишади.**

Суратларда: 1. Электрон ҳисоблаш машинасини бошқариш синфи ўқувчиси Шаҳноза Мамажонова. 2. Бахтиёр Абдуллаев (чапда) ва Валижон Абдураҳимов компьютерда ишлашмоқда.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

• СПОРТ

Қуръа ташланди

● ЕВРОПА чемпионатида иштирок этувчи жамоалар ўртасида қуръа ташланди. Футбол бўйича қитъа чемпионатининг финал учрашувлари 10—26 июнь кунлари давом этади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоаси «В» гуруҳига киритилган Голландия, Шотландия ва Олмония футболчилари билан майдонга тушадиган бўлди. Хусусан, ўн иккинчи июнда футболчиларимиз Олмония футболчиларини қабул қилишади. Орадан уч кун ўтиб, Голландия терма жамоасининг меҳмони бўлишади. 18 июнда Шотландия — МДҲ футболчилари ўзаро куч синашадилар. Ана шу саралаш учрашувларидан кейин 21 ва 22 июнь кунлари ярим финал ўйинлари бўлади. Омади келган икки жамоа 26 июнь куни ҳал қилувчи учрашувда қитъа чемпиони бўлиш учун баҳслашади.

• Халқ аёлдан бошланади

«Бир аёлнинг бағрига бир мамлакат сиғмаса у аёл эмас.» ЭШҚОБИЛ ШУКУР.

Шундоқ ёнгинамизда мунис, меҳрибон, бир дунё бардош ва жасоратини кичик жуссасига яширган ўнлаб, юзлаб, минглаб оналаримиз яшайдилар. Уларнинг мавжудлиги ва фидойилиги бизлар учун ҳар куни чиқадиган қуёш каби, ҳар куни дастурхонимизга қўйилган нон каби, ҳар куни олдимиздан оққан сув каби табиий ва одатий ҳолдир.

Остонадан хатлаган ўғилнинг илк сўроғи:

— Онам қанилар?

Эшикдан эгилиб кирган қизнинг биринчи сўзи:

— Онам қанилар?

Кўксига бир олам қувонч ёки елкасига турмуш ташвишини ортиб келаётган ота дарвозадан кирар-кирмас эмранади:

— Онанг қани?!

Шунда қуёш каби, нон каби керак, жуда ҳам керак аёл — она жилмайиб пешвоз чиқади, келақолинглар, дейди. Унинг биргина илиқ нигоҳи, табассуми ғам тоғларини ағдариб юборади, мададкор овози кўнгилга мадад беради. Чорасизликка чора топилади.

Ўн бир фарзандининг онаси Баҳринисо опа билан суҳбатлашганимда аёл зоти тоши оғир кунларнинг мувозанати эканига яна бир бор ишонаман. Аёлнинг бағри осмон қадар кенглиги, бу бағрига жо бўлган қуёш, ою юлдузлар, куну тунлар бошқа ҳеч ерга сиғмаслигига ишонаман. Бағрида бир этак болалар улғайган аёлнинг ёшлиги ҳақида билгим келади...

Амир Олимхоннинг Карманадаги катта чорбоғи Баҳринисолар уйининг ёнгинасида эди. Бу боғда йўқ дарахтнинг ўзи йўқдиров... Олма, олча, беҳи, зардолидан тортиб, то мевасидан тасбеҳ қилинадиган дарахтгача. Чорбоғ ўртасида қад тиклаган мовий гумбазли сарой қандай чиройли эди. Ёки қизалоқ Баҳринисо боғни томоша қиларкан, ҳайратлар юрагига келаверарди, ҳаёллари қуш мисол узоқларга учаверарди. Атрофидаги табиат мўъжиза каби туюлаверарди. Эҳтимол ундаги бағри кенглик, сермулоҳазалик, кечиримли, бардошли бўлиш хислатлари шу гўзал боғлардан ўтгандир. Балки улуғларнинг қадами теккан юрт унинг юрагига эзгуликнинг гулларини экқандир. Ёки акси, истеъдодли физик олим Неъматулло (марҳум) изидан бориш ҳавасими, ишқилиб қўлига етуклик аттестатини олган ўн олти ёшли Баҳринисо физик бўлишга аҳд қилди.

Шунда Самарқанд дорилфунунига кириш учун ҳужжат топширган ёшларнинг ўртасида «дув-дув» гап тарқалган эди. Эмишки, физикадан имтиҳон топширувчилар орасида битта қиз «5» баҳо олган эмиш... Ўқувчиларнинг билимини қаттиққўллик билан баҳоловчи домлалар карманалик қизнинг жавобларидан мамнун бўлишган эди. Бу баҳо ўша йилги кирувчилар учун қўйилган ягона «5» эди. Унда ўқувчиларнинг таянчи ҳам, таниш-билиши ҳам, бойлигию ишончи ҳам — билим эди. Илк беш баҳоси билан Баҳринисо талабалар орасида танилиб қолди. Тиришқоқлик билан ўқиди, ҳаммадан кўп пахта териб мукофотларга сазовор бўлди. Жамоатчилик ишларида иштирок этди. Ёшликнинг ёниқ йўлларида дуч келгани — ҳамкурси, факультетдоши Эшпўлат Чоршанбаев билан умр йўлларида бирга давом этишди. Советободнинг Қизил Карвон қишлоғига келин бўлиб тушди. Баҳринисо ҳам интилувчанлиги, иқтидори, зийраклиги билан илм йўлидан боришга ҳаққи ва имкони бор эди. Бироқ ёш келинчак кўпчилик ўзбек аёллари каби ўзининг имконларини энг аввал оиласига бахш этди. Эрига математика фани бўйича илмий ишни ёқлаб олиши учун қанот бўлди, рўзғор аравасини бардош билан тортиб турди. Кекса қайнона-қайнотасининг иззатини жойига қўйди, хизматида бўлди. Тўқсон ёшли қайнонаси Улжон момо ҳар дуосида алқапани мустажаб бўлиб, унди, ўсди,ўзидан кўпайди...

Тўлғоқ азобига бир марта дуч келган аёлнинг ўзиёқ қаҳрамон аслида. Баҳринисо опа эса ўн бир марта бу азобга қирқ жонини пешкаш қилган, ўн бирида ҳам ғолиб келган аёл! Ўн бирини ҳам катта ҳаёт йўлига солиб қўя олган она.

БАҒРИ ОСМОНИМ МЕНИНГ

— Бизнинг давримизда ҳозиргидек бола туғиб, йиллаб уйда ўтирмоқ йўқ эди. Гўдагимиз эллик олти кунлик бўлгач, ишга чиқиб кетаверардик, — дейдилар опа.

— Баҳринисо опа, бир болали бўлиб, рўзғорга ўралашиб қолган келинчаклар ҳам кўп. Сизга қийин эмасми, ўн бир фарзанд хизматида бўлиш?

— Аввало, нолиш гуноҳ. Сўнг болаларим мендан аввал қайнонамнинг болалари. Гўдакларимнинг бошида дунё кўрган, меҳрибон энаси турганда менга қийин десам уят бўлади. Энамнинг мададларига суянганман. Улар уйимизнинг фариштаси...

— Катта рўзғор... Етар-етмаслик бўлиши мумкин, шундай пайтда нима қилдингиз?

— Биринчи чора — меҳнат, иккинчиси — тадбиркорлик, ишнинг кўзини билиб ишлаш. Қолаверса болалар улғайиб қаватимизга киришди.

— Баҳринисо опангизнинг деҳқончилигини бир кўрсатай, сизга, — деди Эшпўлат ака Чоршанбаев.

— Қўйсангизчи, нимасини мақтайсиз?! — тортиниб рад этди опа.

Домла фахр этганларича бор экан. Шаҳар ҳовлисидаги ҳар бир қарич ер ҳисобли. Ҳовлининг орқасига — йўл тарафда ишком қилинган токлар мўл ҳосил берибди. Ертўлага қатор қилиб илинган узум бошлар гувоҳ. Катта балхи тут, мевали дарахтлар, атиргуллар бор. Бир томонда беш-олти бош қўйлар, товуқлар, хатто Отабекнинг қуёнлари ҳам бор. Помидор, пиёз, ловия йиғиштириб олиниб, ўрнига сабзи, шолғом, туруп экилган. Гули сурх пиёз экишни ҳам унутишмабди. Ошхонадан тортиб меҳмонхонагача тоза, ораста, тартибли. Қотган нонлар ҳам эъзозли. Бир аёлнинг тафаккурига жо бўлган рўзғор академиясига тегишли бу мукаммал ҳисобларни компьютер ҳам эплолмаса керак.

— Домла, Баҳринисо опамнинг рўзғор юритиш ҳисобларини докторлик ишингиз учун мавзу қилиб олсангиз бўларкан...

— Э, бу чигал, мураккаб тенгламаларнинг ечимини янгангиз қадар билиб бўладими?! — деб аёлига тан берадилар Эшпўлат ака.

Баҳринисо опанинг барча ўғил-қизлари мактабда аълога ўқишди. Олий ўқув юртларини ҳам муваффақиятли тугатишди. Яна ўқишмоқда. Бешик қучоқлаб тунни тонгга улаш заҳматлари қувончларга улашиб кетди. Катта қизлари Маҳбубаҳон олий маълумотли шифокор, қуёви Баҳромжон олий билимгоҳ ўқитувчиси. Уч нафар фарзандлари бор. Манзурахон товаршунос, турмуш ўртоғи ҳуқуқшунос, уч фарзандлари улғаймоқда. Ҳилола ҳам оилали, икки қизи бор, ўзи ва турмуш ўртоғи Илҳомжон ҳуқуқшунос. Сиддиқжон ота изидан борди. Навоий муаллимлар тайёрлаш олийгоҳида математикадан дарс беради. Келин Нурхон ёш она ва талаба. Шоирахон ҳам ҳисобдан дарс берадилар. Турмуш ўртоғи Улуғбек иккаласи икки ўғилни тарбиялашмоқда. Малика, Олимжон, Илҳомжон, Ғолибжон олийгоҳларда таҳсил кўришмоқда. Отабек тўққизинчи синфда, кенжатойлари Нилуфархон еттинчи синфда ўқишмоқда.

Қаҳрамон она Баҳринисо опа бирор йил ишдан қолган эмаслар. Дастлаб, келин бўлиб тушган жойларида мактабда дарс бердилар. Йигирма уч йилдан буён Самарқанд меъморчилик-қурилиш олий билимгоҳи умумий физика кафедрасида ўқитувчи. Ўзи яшайдиган Лолазор маҳалласида ва олий билимгоҳда ҳам хотин-қизлар кенгашининг аъзоси.

Баҳринисо Бадалованинг ҳаётий тажрибаси, ширин-тотув турмуши сабоқлари кўпларга керак. Буларнинг ҳаммасига у мақтовга арзигулик эмас, балки оддий, одатий иш деб қарайди.

Олий билимгоҳ жамоаси, опанинг фарзандлари, куёвлари, келинлари шу кунларда у 50 ёшга тўлгани муносабати билан юрак сўзларини, тилакларини изҳор этишмоқчи. Шоир айтганидек, элига бир этак лашкар туғиб берган онага ҳар қанча ширин тилаклар камлик қилади.

«Мақтовга арзигулик иш қилмаган аёл» яшаб ўтган умр йўлларидан унинг жону жаҳони — ўн бир ўғил-қизи, ўн бир набираси, келину куёвлари у берган меҳр туфайли бахтиёр яшамоқдалар.

О, элига шунча фарзандлар ҳадя этиб ҳам ҳеч иш қилмадим дейдиган ўзбекнинг аёли-я, буюк халқнинг содда онаси-я!

Ёзмай бўладими, она, сен ҳақда,
Айтмай бўладими, ёниб турган сўз!
Новдаларинг айни гуллаган чоқда,
Сиғнимай бўлурми, сенга эй илдиз!
Кечиргувчим менинг, собитим менинг,
Шўх-шўх йўлларимда эгилган бошим.
Оҳ, жонинг қирқтамас, қирқ мингта сенинг,
Балолар йўлини тўсгувчи тошим!
Фарзанди йўлига мангу тикилган
Бир кўзи қуёшим, бир кўзи ойим.
Юрагинга фақат меҳр экилган,
Шул дунё тургунча тургин илойим!

Хосият БОБОМУРОДОВА.

Суратда: Қаҳрамон она Баҳринисо Бадалова.

Зўр карвон йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларда халқа-халқа ёш.
Ғафур ҒУЛОМ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

„КАРВОН“

Ҳар бир ғишти боболаримиз руҳига қорилгандай қадимий Бухоронинг ғариб миноралари етти иқлимдан, мағрибу-машриқдан келажак карвонларга кўз тикканидек мунғайиб турибди. Зеро карвонлар одими ҳақида дарак берувчи жарчиларнинг овозлари эшитилмай қолганига, шаҳарнинг ўн икки дарвозаси ёпилганига ҳам бир асрча бўлибди. Кўҳна Турон йўлларида адашган элатдошларимиз наздида карвонларнинг ер юзига сочилдими, деган маъно бордек.

Тағин ҳам одам яшовчан бўларкан. У ҳаёт тилсимини бўйнига тумордек илиб, барчасига дош бериб ватандан йироқда, мусофирлик фироғида ёниб, оёғи етган сарҳадларда макон топиб юраверарканг. Афғон воқеаларн аскар йигитларимиз тақдирига Ватандан жудолик тамғасини босди. Жангу жадалларга қисматдошлар кетишди. Қайтишди-қайтишмади. Шаҳидлар гуноҳи кимни тутишини энди ҳеч ким билмасди. Ҳали бир сулув нигоҳига тўймаган, бир қиз бармоғига узук тақмаган йигитлар хазон бўлди. Неча-неча Тоҳирларнинг Зуҳролари кутакута алам билан фарзандларининг исмларини Тоҳир қўйдилар.

Якка-ю ёлғизини ер-у кўкка ишонмаган оталарнинг қадди фарзанд доғида дол бўлди. Афғонистонда қарийб ўн йил давом этган биродаркушлик уруши минглаб йигитларимизнинг ёстиғини қуритди, юзлаб йигитларимиз бахтларига зомин бўлди. На бор, на йўқлигини биломай, фарзандига аза очолмай юрганлар қанча!

Темир тобутни очаман, дийдорига тўяман деб, уни кемирмоқчи бўлган оналар камми? «Мана бу орденларни ол; фарзандимни қайтар», дея тангрига нола қилганларчи? Фарзанди ўрнига унинг уст-боғини қўлга олган муштипарга осон бўлдими?

Ҳа, ноилож қолиб ҳаммаси худога солинди...

Қадим замонларда муҳорабларда асир тушган сарбозларни саркардалар тавон тўлаб, озод қилганлар.

— Бугун биз ҳам Афғонистонда асир тушган юртдошларимиз тақдирига бефарқ қараб туролмаймиз. Қолаверса, мен ҳам Афғон жангларидан, ажал оғзидан тангри ярлақлаб омон қайтганлардан бириман, — дейди Қосимжон Сўпиев. — Боиси фарзандлари йўлларига кўзлари нигорон оналарнинг оҳи худога етган кўринади. Яқинда Президентимиз И. А. Каримов навбатдаги сессияда мустақил жумҳуриятимиз асирликдаги фарзандларини мусофиру саргардон ташлаб қўймаслиги ҳақида гапириб, амалий ишга ўтиш кераклигини таъкидлади.

Шу боис, ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистон телерадио компаниясининг ижодкорлари республика миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда асир йигитларимизни қидириб топиш мақсадида Покистон телевидениеси учун урду ва дари тилида «Соғинч», Афғонистон телевидениеси учун (режиссёр Абдували Ёқубов («Сарбон») (форс тилида) фильмларини тайёрлаган эди. Яқинда Афғонистондан қайтган;шунингдек ҳалок бўлган йигитларимиз ҳақида ҳикоя қилинувчи тўрт қисмли «Карвон» ҳужжатли видеофильми тугалланди. Муаллифлар: Қосимжон Сўпиев, режиссёр Ҳожиакбар Мирҳодиев, тасвирчи Рафаэль Комолов билан Алишер Пўлатовларнинг тўрт қисмли «Карвон» номли ҳужжатли-публицистик видеофильмини душанба — 20 январдан «ойнаи жаҳон»да намойиш этиш бошланди.

Бу ҳужжатли видеофильмда тасвирга туширилган лавҳаларда афғон уруши ҳақидаги ҳақиқатдан сўзланади.

Муҳайё МУХТОРОВА.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИККС

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ—ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ! КЎРКАМ ХОНА—АЪЛО КАЙФИЯТ—АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР!

АГАР СИЗ ХИЗМАТ ХОНАНГИЗ, ҚАҲВАХОНА ЁКИ КОНЦЕРТ ЗАЛИНГИЗНИ БЕТАКРОР, ЗАМОНАВИЙ ҚУРИНИШДА ЖИҲОЗЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ,

«БИККС—АЛИНА» АССОЦИАЦИЯСИ СИЗГА ЁРДАМГА КЕЛАДИ

ҚУЙИДА ЭЪТИБОРИНГИЗГА РАНГ-БАРАНГ МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ КЕНГ ҚУЛАМИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

— металл ва чарм безакли девор панеллари;
— хилма-хил бадиий услубларда тилларанг ва оқ тусли алюминийдан ясалган осма шиплар;
— деворлар ва шиплардаги металл безаклар билан яхши уйғунлашадиган ва хонангизнинг ички жиҳозланишига ёруғликка оид самара берадиган ўзига хос ёритгичлар.

Бизнинг буюмларимиз осон ўрнатилади, фойдаланишда қулай ва узоқ муддатга чидайди.

Ўз уйингнинг деворлари ҳам кишини қўллайди деб бежиз айтишмайди, албатта. Аминмизки, «БИККС—АЛИНА» фирмасининг ёрдами билан жиҳозланган хоналар Сизга ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 146-алоқа бўлими, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

ТОШКЕНТДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35,

ТОШКЕНТДАГИ ТЕЛЕФАКС: 8-3712-90-41-97.

«БИККС» АССОЦИАЦИЯСИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«ШАРҚ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИЧИК ҚОРХОНАСИ

ташкилотлар ва корхоналарга йилига шартли 2 миллиондан 30 миллион донагача ғишт тайёрлаш қувватига эга

ҒИШТ ЗАВОДИНИ ҚУРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш заводларини ҳам қуриб беришга тайёр.

Ўз буюртмачиларимиз учун биз кенг доирадаги қуйидаги хизмат турларини кўрсатишга тайёрмиз:

— ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг яроқлилигини аниқлашга ёрдам берамиз;

— қурилиш ва коммуникациялар учун иқтисодий жиҳатдан энг қулай саноат майдончасини танлаб олишга ёрдам берамиз;

— саноат майдончаси, карьер, коммуникациялар бўйича муҳандислик-геология тадқиқотларининг тўлиқ мажмуини ташкил этамиз;

— тежамкор ишлаб чиқаришни техникавий-иқтисодий асослашни ва унинг ишчи лойиҳасини амалга оширамиз;

— асосий технологик ускуналар комплекти билан таъминлашга кўмаклашамиз.

МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700058, Тошкент шаҳри, Машиностроительная кўчаси 6-уй.

«ШАРҚ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИЧИК КОРХОНАСИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ

Ўзбекистон Республикаси Ветеранлар ташкилотлари уюшмаси Кенгаши жамоаси Кенгашнинг маданий-оммавий комиссияси раисининг ўринбосари, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, собиқ Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари

Александр Петрович БЕРЛЯНДнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадио эшиттириш давлат компанияси жамоаси республика радиосининг Жиззах вилоятидаги ўз мухбири А. Райимжоновга онаси

Ҳурилиқо НУРМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазнипроводхлопок» илмгоҳи жамоаси бўлим бошлиғи ўринбосари А. Т. Дўсимқуловга отаси

Тоштемир ДУСИМҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси фалакшунослик илмгоҳи жамоаси илмгоҳ раҳбари муовини А. У. Алиевга отаси

Усмонқори АЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. К. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. К. ПИРМАТОВ, Р. К. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-31-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-90, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367 500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 15

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.56. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.